O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 16 февраль, шанба • №13 (11.401) • Эркин нархда сотилади

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори*

## 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2001 йил иқтисодиётда ва умуман жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришда танланган йўлни изчил ўтказишнинг мантиқий давоми, яна бир муҳим босқич бўлди.

Иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ кўзга ташланди: ялпи ички маҳсулот 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши - 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги - 4,5 фоизга кўпайди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулотни иқтисодий ислоҳотларгача бўлган 1991 йилги даражага нисбатан - 103 фоизга ўстиришга эришилди. Аҳоли жон боши ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 103,1 фоизни ташкил қилди, аҳолининг реал даромадлари 16,9 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги ва пул тизими мустаҳкамланди. Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан бир фоиздан камроқни ташкил қилди. Йил бўйича нақд пул эмиссияси даражаси 6,5 фоизни ташкил этди. Тўлов интизоми даражаси ошди, етакчи идоралар ва корхоналар бўйича тўлов муддати ўтган дебиторлик қарз амалда йўқ.

Ташқи савдо айланмасини 3,1 фоизга ўстириш таъминланди, ташқи савдо операцияларида ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари илгариги даражада сақлаб қолинди.

Институционал қайта ўзгартириш жараёнлари чуқурлашди, бозор принциплари, механизмлари ва усулларининг иқтисодиётга таъсири кучайди.

Иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини рўёбга чиқариш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш сиёсати фаол амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 24,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва секторларида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий ўзгаришлар юз берди.

Валюта сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнлари чуқурлашди. Халқаро молия ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларга динамик тус бериш учун мустаҳкам база яратилди.

Айни бир вақтда, ўтказилган махсус текширишларда табиий ва минерал-хомашё ресурсларидан самарасиз, хўжасизларча, талон-тарож қилган ҳолда фойдаланишга доир қўпол ҳолатлар очиб ташланди.

Шўрланган ва ботқоқлашган ерларни қисқартириш, ирригация- мелиорация тармоқларини иш ҳолатида сақлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Ер қонунчилиги қўпол равишда бузилмоқда, ерлардан, энг аввало, суғориладиган экин майдонларидан бошқа мақсадларда

**(Давоми 2-бетда).**

# БУРИЛИШ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилишдан кейинги ўйлар

Биз мамлакатимиз мустақиллигининг ўн биринчи йилига умидбахш режалар билан қадам қўйдик. Айни вақтда давр биздан эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, янги режаларни амалга ошириш учун янада қатъият ва сабот билан меҳнат қилишни, изланишни талаб қилмоқда. Ўтган йилларнинг иқтисодий якунлари шундай ишончли ҳаракат учун пухта замин яратди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузасида республикани 2001 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб бердилар. Олдимизда турган вазифаларни аниқ, лўнда баён этдилар. Эътибор беринг: ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,5 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши 8,1 фоизга кўтарилди. Жон бошига ички маҳсулот ишлаб чиқариш 3,1 фоиз, аҳолининг реал даромадлари 16,9 фоиз кўпайди. Кеча маърузани тинглай туриб, аввало, Ўзбекистонда, қолаверса, вилоятимизда ишга туширилган қанча-қанча замонавий корхоналар, янги қувватлар хаёлимиздан ўтди:

Янги моделдаги «Матиз» автомашиналари жаҳон бозорига йўл олди.

Ўзбекистон темир йўллари қурилиши жадал давом эттирилиб, Учқудуқ-Мискин йўнали-

**(Давоми 3-бетда).**

Ҳуқуқшунос минбари

# ПАРЛАМЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

### Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдуми бу борада янги йўл очди

Давлат бошқарувининг вакиллик органлари пайдо бўлиш тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Аммо бугунги кундаги мавжуд тасаввурларга XIII асрда қирол ҳокимиятини чеклайдиган парламент кўзда тутилади. Кейинчалик бундай парламентлар Франция, Испания, Польша ва бошқа баъзи давлатларда вужудга келган.

«Парламент» сўзи французча бўлиб, «parler» — яъни сўраш, гапирмоқ маъносини англатади. Парламент — демократик жамиятнинг умуммиллий вакиллик органидир.Хорижий мамлакатларда парламентларга турлича ҳуқуқий мақом берилган бўлса-да, уларнинг умумий белгилари мавжуд.

Ҳокимиятнинг бўлиниш назариясига асосан парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи сифатида давлат ҳокимиятининг органлари тизимида имтиёзли ўрин эгаллайди.

Одатда парламент қонун чиқарувчи орган ҳисобланади, уни қабул қилиш фаолияти билан ҳам шуғулланади.

Бундан ташқари хорижий

**(Давоми 3-бетда).**



# «МЕРОС» МАКТАБИ

Қуйичирчиқ туманидаги «Мерос» миллий ҳунармандчилик хусусий корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Тадбиркор Муборакхон Исомуддинова бошчилик қилаётган бу корхона қизлари асосан дўппидўзлик, каштачилик ва зардўзлик каби миллий ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланишади.

Бугунги кунда улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан кўпчиликнинг назарига тушиб улгурган.

Шунингдек, корхонада ўғил болалар учун ёғоч ўймакорлиги ва наққошликни ўргатувчи курсларни ташкил этиш режалаштирилган.

***СУРАТДА:** корхона раҳбари М. Исомуддинова (ўртада), Д. Ризаева ва Ф.Каменовалар иш устида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Бугунги сонда:

**ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ**
«Эчкимижоз сигирлар, боқибегам раҳбарлар» номли мақолага Бўстонлик туманидан расмий жавоб.
**3-бет**

**ТЕЛЕ-ДАСТУРЛАР**
Ҳафта давомида Ўзбекистон каналлари орқали намойиш қилинадиган дастурлар.
**4–5-бетлар**

**ШОҲМОТ ЎЗИ НИМА?**
Кузатишлар шуни кўрсатадики, қайси бир оилага шохмот кирган бўлса, ўша ерда ўзига хос фазилат мавжуд.
**6-бет**

**ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:**
АҚШ Хитойни доимий ҳамкор сифатида тан олди. Айтиш мумкинки, ушбу мақом савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига халақит бераётган тўсиқларни четга суриб ташлади.
**7-бет**

**ЭЗГУЛИККА ИШТИЁҚ**
Ўз юрагидаги меҳрини шогирдлар юрагига кўчира олган, сингдирган инсонгина устоз деган шарафли номга лойиқ.
**8-бет**

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори*

# 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва уларга ноқонуний эгалик қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича ерлардан хўжасизларча фойдаланишга доир мисоллар кўп.

Суғориш сувидан ҳам самарасиз, назоратсизлик билан фойдаланилмоқда. Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган ва бошқа вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициентининг пасайишига йўл қўйилган.

Ичимлик сув, газ ва бошқа энергетика ресурсларидан тежамсиз, назоратсиз ва ноқонуний фойдаланиш бўйича кўплаб фактлар мавжуд. Ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва уй-жой фондини газ ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш бўйича ишлар мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Хусусий секторни ривожлантириш кўламлари бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда, унинг барқарорлиги ва ўсувчанлигини оширишдаги талабларга жавоб бермайди.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда. Республиканинг 31 туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидалари қониқарсиз бажарилмоқда. Айниқса Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топширишда қолоқликка йўл қўйилган. Ўқув юртларини замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, янги дарсликлар билан таъминлаш жараёни суст бормоқда.

2. Қуйидагилар 2002 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар, уларнинг ҳал қилиниши учун жалб этиладиган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини жиддий пасайтириш, қаттиқ молия ва кредит сиёсатини ўтказиш;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришни янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, курсни бирхиллаштириш йўлини тўлов балансини мустаҳкамлаш, олтин-валюта заҳираларини сақлаш билан узвий алоқада изчил ўтказиш;

муҳим материал ва табиий ресурслар – экин майдонлари, суғориш суви ва ичимлик сув, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тежамли, самарали, эҳтиётлаб фойдаланишни таъминлаш;

бозор ислоҳотларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг хусусий секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги тури, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш.

3. Истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалаларида йўл қўйилган нуқсонлар, табиий газни бериш зарур даражада ҳисобга олинмаслиги ва республика иқтисодиёти тармоқларида ундан самарали фойдаланиш юзасидан зарур назорат таъминланмаганлиги учун "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг бош директори Н.Жулинга, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директорининг ўринбосари - "Бошкоммунгаз" корхонаси директори С.Башировга, "Ўздавнефтгазинспекция" бошлиғи Н.Рамазоновга ҳайфсан эълон қилинсин.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, улар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиши ва қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига газ, ичимлик сув, электр энергияси ресурслари истеъмолчиларини ҳисобга олишни ташкил этишга тизимли ёндашувнинг йўқлиги, сув қувури, газ ва электр тармоқларига рухсатсиз уланиб олиш ҳоллари мавжудлиги, сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш дастури бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Қуйидагилар:

Навоий (Дилов), Наманган (Жабборов), Сирдарё (Исроилов), Сурхондарё (Олимжонов) вилоятлари ҳокимлари йўл қўйилган камчиликлар ва суғориладиган ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик, суғориш сувидан фойдаланиш коэффициенти пасайиб кетганлиги ва сувдан фойдаланиш интизоми бузилганлиги учун;

Бухоро вилоятининг Когон (Хаитов), Вобкент (Эсонов), Қоровулбозор (Йўлдошев) туманлари, Наманган вилоятининг Поп (Исматуллаев), Мингбулоқ (Ҳайдаров) ва Учқўрғон (Охунов) туманлари, Самарқанд вилоятининг Иштихон (ҳоким вазифасини бажарувчи Мансуров) ва Ургут (Нуриллаев) туманлари ҳокимлари ер ресурсларидан бошқа мақсадларда ва хўжасизлик билан фойдаланишнинг кўплаб ҳоллари мавжудлиги учун қаттиқ огоҳлантирилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси (Тожиев)га, вилоятлар ҳокимларига ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаслигининг ҳар бир ҳолатини жойнинг ўзида кўриб чиқиш ва қонунни бузувчиларга нисбатан жавобгарликнинг энг қаттиқ чораларини қўллаш топширилсин.

5. Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан Шофиркон (Раҳмонов), Боғдод (Солижонов), Иштихон (ҳоким вазифасини бажарувчи Мансуров), Беруний (Жуманиёзов) туманлари, Термиз (Чориев), Жиззах (Худоёров), Қўқон (Хўжаев) шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳар Акмал Икромов (Маҳмудов) тумани ҳокимликларининг қониқарсиз ишлаганлиги қайд этилсин.

Ярим йиллик якунлари бўйича хусусий тадбиркорлик ташаббусини ривожлантиришга кўмаклашиш, хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларнинг ҳисоботи кўриб чиқилиши тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсинлар.

6. Бир ҳафта муддатда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошчилигида табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси тузилсин, унинг таркибига барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар, назорат қилувчи хизматлар ва Прокуратура вакиллари киритилсин.

Комиссия уч ой муддатда ресурсларнинг тегишли турлари бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқсин, 2010 йилгача бўлган даврда ресурсларни тежаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

ресурсларни тежовчи, айниқса мелиорация ва ирригацияда ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш;

ер, сув, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмни жорий этиш, улардан тежамли, эҳтиётлаб ва самарали фойдаланаётган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек сувдан фойдаланиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилсин.

Кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий базани яратишни назарда тутувчи тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрлансин ва кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга киритилсин.

7. "Ўзбекнефтгаз" компанияси (Саидаҳмедов) "Ўзкоммунхизмат" агентлиги билан биргаликда 2002 йилда ҳамма жойда газ қувурларининг ажралиш чегараларида газни ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ўрнатилишини таъминласин, истеъмолчиларга сотилаётган табиий газ зарур даражада ҳисобга олинишига доир муфассал чора-тадбирлар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

мамлакатда хусусий секторни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш;

ушбу соҳада қўшимча ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар, преференциялар яратиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш;

замонавий технологиялар асосида халқ ҳунармандчилиги ва косибчилик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни давлат тузилмалари ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш ишларини кучайтирсин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур чора-тадбирларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини, фермер хўжаликларининг фаолият кўрсатиш шароитларини муфассал хатловдан ўтказсинлар ҳамда фермерликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш бўйича таклифлар киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратсинлар:

фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, туманлар ҳокимликлари, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат қилувчи органлар ва тузилмалар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик;

фермерларга механизациялашган хизматлар кўрсатишда, уларни минерал ўғитлар ва сифатли экиш материаллари билан таъминлашда, кичик технологиялар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг шартларида техника сотиш масалаларини ҳал этиш;

шартнома тузишган фермерлар ва ташкилотлар томонидан, энг аввало, етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш ва улар учун ҳақ тўлаш масалалари бўйича шартномавий мажбуриятларни бажаришда интизом ва жавобгарликни ошириш;

фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, Тошкент вилоятининг фермерлар ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тажрибасини ҳамма жойда оммалаштириш.

Тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда муфассал таҳлил қилиб чиқилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатларни мақсадга мувофиқ бўлган жойларда фермер хўжаликларига айлантириш бўйича 2003 йил учун таклифлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

хўжалик юритувчи субъект мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш, кредит ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ушбу мол-мулкни кредитор мулкига ўтказиш амалиётини янада кенгроқ жорий этиш;

кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи қаттиқ чора-тадбирларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортишни амалиётга киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва бошқа вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг эътибори ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этишга доир қабул қилинган дастурларни бажариш юзасидан улар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

Минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ (Азимов) қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирокида бир ой муддатда маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари борасидаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, шунингдек қўшма корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

Маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш дастурларини бажаришнинг бориши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари иштирокида икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш, жалб этилган хорижий молиявий консультантлар билан ишлашни фаоллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

жойларда китоб савдосини ва кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базаси, маърифий-тарғибот ишлари амалга оширилиши аҳволини текширсинлар;

текшириш натижалари бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, оммавий ахборот воситалари аҳолига солиқ солиш турлари ва механизмларини, солиқ тўловчилар маблағларидан ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда фойдаланиш йўналишларини содда қилиб тушунтириб берувчи телекўрсатувлар ва материаллар рукнларини мунтазам равишда ташкил этсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий қайта ўзгартириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан юқори даражада самарали фойдаланишни, ўқув юртларини тугатаётган ёшларнинг иш билан таъминланишини назарда тутувчи 2010 йилгача бўлган даврда малакали кадрлар тайёрлаш дастурини тайёрласинлар ва тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури, "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастури қоидаларининг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сон қарорининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурлар ва Ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотларининг тегишли раҳбарлари зиммасига юклансин.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши 2002 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

17. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу мажлис қарорининг бажарилиши ҳар чоракда ва умуман 2002 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 14 февраль.

# БУРИЛИШ БОСҚИЧИ

шида ишчи қатновлари бошланди.

Шўртан газ-кимё мажмуи барпо этилди.

Чет эл сармояси ҳисобига барпо этилган 90та янги корхона, чунончи, «Чиноз тўқимачи» қўшма корхонаси маҳсулот бермоқда.

Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикасида янги қувватлар ишга туширилди...

Бундай мисоллар кўп. Уларнинг ҳар бирида тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини кўриб турибмиз. Ўтган даврда биз кўплаб янги турдаги маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқара бошладик. Каустик сода, суюқ хлор, тузли кислота, пайвандлаш электродлари, базалт толаси, ўтга чидамли ғишт... Уларни яна кўплаб санаш мумкин. Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, ўн йил ичида пахта толасини қайта ишлаш ҳажми икки баравар кўпайди. Калава, ип, пахта ва шойи газламаларни экспорт қилиш ҳажмлари кескин ортди. Оқибатда ташқи савдо айланмаси 3,1 фоиз ўсишини таъминладик.

Ўтган йил натижалари кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари тезлашганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Вазирлар Маҳкамасидаги муҳокама чоғида бу ҳаракатнинг қонунчилик ва ҳуқуқий-меъёрий асослари такомиллашганлиги, эркинлаштириш дастлабки самараларини бераётганлиги айтилди. Чунончи, кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси илк бор 24,5 фоизни ташкил этди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари олдинги йилгидан 2,4 марта кўп кредит олишди. Тадбиркор ва фермерлар 27 миллиард сўмдан зиёд микрокредит олиб, янги қувватларни барпо этиш, иш жойларини кенгайтириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаларини амалга оширишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 55 минг 400 фермер фаолият кўрсатаётир. Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларига тўхталиб, Президент, жумладан, шундай деди: «Фермер ва деҳқон хўжаликларини микрокредитлар билан таъминлаш борасида Тошкент вилояти тажрибасини кенг оммалаштириш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Микрокредитларнинг қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари, янги даромад манбалари эканлигини ҳаммамиз аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак».

Хўш, вилоятнинг бу тажрибаси нимаси билан ибратли? Вилоятимизда 4686 фермер ва 585 деҳқон хўжалиги мавжуд. Уларнинг умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши муттасил кўпайиб бораётир. Танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш кенг тус олди.

Бугина эмас. Ўтган йили умуман вилоятимиз иқтисодиётида кескин кўтарилиш юз берди. Саноатда ўсиш суръати 11,5 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда эришилган даражадан анча юқори. Кўмир, қора металлургия, нефть-кимё, машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати тармоқларида, айниқса, жадал ўсиш таъминланди.

Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатда етакчи ўринга чиқиб олдик. Ғоят мураккаб шароитларда пахта етиштириш контрактация шартномаси 100,8 фоиз бажарилди. Ғаллачиликда режа 107 фоиз бажарилиб, Ватан омборларига 281,4 минг тонна сара дон етказиб берилди.

Вилоятимизда маҳсулоти ташқи бозорда тобора кенг ўрин эгаллаётган корхоналар кўпайиб бормоқда. Шунисини қувончлики, вилоят тадбиркорлари ҳам ўз маҳсулотларини хорижга тобора дадил чиқармоқдалар. Бу жиҳатдан Бўстонлиқдаги «Искандар Фудс», Зангиота туманидаги «Тонмен», Қибрай туманидаги «Лорена Дон», «Вовсо» сингари корхоналарнинг тажрибаси ибратли.

Лекин бу натижалар янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Афсуски,жойларда ишни бирдек оқилона ташкил эта билмаслик, мавжуд имкониятлардан фойдалана олмаслик иқтисодиётда ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз йиғилишда олдимизда ҳали жуда кўп муаммолар борлигини, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бу борада, айниқса, раҳбарлардан талаб катта бўлади.

Бу фикр бежиз айтилмади, албатта. Узоққа бормайлик, биз вилоятимиз шаҳар ва туманларида бўлганимизда хом ашё йўқлигидан тўхтаб ётган қўшма корхоналарни, йирик-йирик ишлаб чиқариш қувватлари ҳаракатсиз турганлигини, гоҳи ер майдонлари экилмасдан қолиб кетаётганлигини кўрамиз. Фаолияти тўхтаб қолган кичик ёки ўрта корхоналар-чи? Ваъда қилинган кредитларни вақтида ололмай ёки устма-уст текширишлар ҳолдан толдирган тадбиркорларни айтмайсизми?

Бир масалани — ердан фойдаланишни олиб кўрайлик. Президент бу хусусда гапириб: «Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало, суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳонаю сабаблар билан экилмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди», — деб таъкидлади. Сўнгги пайтларда «Тошкент ҳақиқати» ҳам таг-туги билан йўқ бўлиб кетган чорва фермалари ҳақида бир қатор чиқишлар қилди. Экин майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиш фактлари ҳам етарли. Айрим ҳолларда ерларни хўжаликда бирор кун ишламаган шахсларга бериб юбориш ҳоллари учрамоқда. Президент Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда, жумладан, вилоятимизда ерни қонунсиз эгаллаб олиш билан боғлиқ 13 та ҳолат ҳақида гапирди. Бу, энди, биргина текшириш жараёнида аниқланганлари.

Ёки бошқа жиҳатни олиб кўрайлик. Бунда биз шароити бир хил хўжаликлардаги ҳосилдорлик даражасини назарда тутмоқдамиз. Айрим жамоаларда пахта ҳосилдорлиги 10-12 центнердан ошмаётир. Чорва маҳсулдорлигини-ку қўяверасиз. Вилоятда бир сигирдан бор-йўғи 600-700 литрдан сут соғиб олаётган хўжаликлар оз эмас. Шу боис бир қатор ширкат хўжаликлари санацияга тушди.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалари, хусусан банк ва солиқ тизимини такомиллаштиришнинг аниқ ва истиқболли вазифалари илгари сурилди. Кейинги йилларда илк дафъа тежамкорлик, ер, сув, электр-энергетика ва бошқа қувватлардан, бошқа табиий бойликлардан тежаб-терғаб фойдаланиш масаласи кенг миқёсда ва кескин қилиб қўйилди. Бу — бежиз эмас. Зеро, биз иқтисодий юксалиш йўлида эканмиз, ўз эзгу мақсадларимизни, фақат қаттиқ тежамкорлик асосидагина рўёбга чиқаришимиз мумкин.

Ҳокимликлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, хўжалик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари мавжуд қонунларга оғишмай риоя этилишига эришишлари — тежамкорликни таъминлаш негизидир.

Юртимизда кўклам эшик қоқаяпти. Бугунги меҳнатимиз, орзу-интилишларимиз 2002 йилни ҳам салмоқли натижалар билан якунлашга хизмат қилиши керак. Мақсад аниқлиги ва режалар улуғворлиги бу саъй-ҳаракатларимизга қудратли қанот бағишласин — бугуннинг шиори шундай. Шунга эришиликки, ҳар биримиз зиммамиздаги масъулиятни ҳис этиб, ўз ўрнимизда сидқидилдан, қатъият билан меҳнат қилайлик. Шундагина натижалар мамлакатимизнинг ўсиш имкониятларига мутаносиб бўлади.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ПАРЛАМЕНТЛАР ТАЖРИБАСИ

мамлакатларда парламент давлат бюджетини тасдиқлайди, давлат бошлиғининг қасамёдини қабул қилади, ҳукумат ваколатларини белгилайди ва унга ўз ишончини билдиради. Халқаро ва ички сиёсий масалалар бўйича ўз фикрларини билдиради. Мамлакатнинг ҳудудий тузилиши бўйича қарорлар қабул қилади. Парламент ташқи сиёсатда иштирок этади, шунингдек, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилади.

Парламентнинг умумий характеристикаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ҳокимият ваколатларига эгалик;

— давлат арбобларининг йиғилишини ташкил қилади. Парламент қарорларни коллегиал қабул қилади ва коллегиал ҳолда жавобгар бўлади.

Парламент мураккаб таркибий тузилма бир ёки икки палатадан иборат бўлиши мумкин.

Бир палатали парламент, бу — умуммиллий ассамблея, девон, мажлис, фолькетинг, эдускент, қонун чиқарувчи юань каби парламентлардир. Ҳозирги кунда Хитой, Индонезия, Миср, Греция, Швеция, Туркия, Португалия, Дания, Финляндия, Болгария, Исроил, Коста-Рика, Камерун, Сальвадор каби мамлакатларда бир палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда.

Икки палатали парламент бу — мураккаб федератив давлатларда шакллана бошлади, чунки федерация субъектлари давлатнинг сиёсатига таъсир кўрсатиш эҳтиёжи мавжуд эди. Шунинг учун деярли барча мамлакатларда парламент икки палатадан иборат.

Шу билан бирга бир неча унитар давлатларда ҳам парламент икки палатадан иборат. Юқори палата одатда маъмурий-ҳудудий бирликларнинг манфаатини ифода этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, иккинчи палатанинг ташкил этиш мақсади фақат маъмурий-ҳудудий бирликларнинг манфаатини ифода этиш деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Парламентда икки палатанинг мавжудлиги, икки палата вакиллари ўртасида келиб чиқадиган мунозара ва баҳслар натижасида адолатли қонун қабул қилиш мумкин деган тушунчалар ҳам мавжуд.

Икки палатали парламентларга қуйидагиларни мисол қилиб келтирамиз. Улар конгресс, миллий ёки федерал йиғилишлар, стартинг, альтинг деб аталади. АҚШ, Буюк Британия,Франция, Германия, Италия, Ҳиндистон, Бразилия,Испания, Канада, Мексика, Австрия, Австралия каби мамлакатларда парламент икки палатадан иборат.

Ҳар бир парламентда доимий ишловчи органлар ташкил этилади. Булар комиссия ва қўмиталардан иборат.

Уларнинг асосий вазифаси парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишдир.

Хорижий мамлакатлар парламентлари қўмита ва комиссиялари қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссия ва қўмиталар, тергов олиб борувчи мувофиқлаштирувчи қўмита ва комиссиялардан иборат бўлади.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатлар парламентларининг мақоми давлатнинг асосий қонуни бўлмиш конституцияларда мустаҳкамланган. Конституция парламентга берган ваколатларини бир нечта гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Улар қонунчилик фаолияти, молиявий, давлат ҳукумати устидан назорат, халқаро шартномаларни ратификация ва деконсациялаш, мудофаа ва хавфсизлик, референдум эълон қилиш масалалари бўйича ваколатларга эгадир.

Кўпгина давлатларда парламент конституцион суд ва олий суд таркибини шакллантиришда иштирок этади, шунингдек бош прокурорни тайинлайди.

Парламент ўз ваколатларини конституцияга мувофиқ амалга оширади.

Келгусида Ўзбекистон давлатининг парламенти ҳам жаҳонда ривожланган мамлакатлар парламентлари қаторига чиқиб олади. Республикамизда ўтган референдум бунга йўл очди.

***Дилноза ҚЎЗИЕВА,***
***Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедрасининг ўқитувчиси.***

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар**

# «ЭЧКИМИЖОЗ СИГИРЛАР, БОҚИБЕҒАМ РАҲБАРЛАР»

**Газетанинг 2001 йил 22 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада вилоят хўжаликларида чорвачиликнинг аҳволи кенг ва атрофлича таҳлил этилиб, айниқса, Бўстонлиқ туманида ушбу муҳим тармоқ инқирозга юз тутаётгани рақам ва далиллар асосида қаттиқ танқид қилинган эди. Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан туман ҳокими вазифасини бажарувчи А.Болтабоевнинг имзоси билан жавоб хати олди.**

Унда маълум қилинишича, мақола туманнинг чорвачилик бўйича мутахассислари иштирокида, шунингдек энг қолоқ хўжаликларда уюштирилган кўчма йиғилишларида чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинди. Чорвачилик соҳасининг кескин оқсаб қолишига олиб келган жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган «Енбек», «Хондайлик», «Қўшқўрғон» ширкат хўжаликларининг тармоққа мутасадди раҳбарлари вазифаларидан озод қилиниб, ўринларига малакали мутахассислар тайинланди.

Чорва моллари туёғини кўпайтириш ва, айниқса, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан хўжалик раҳбарлари ва тармоқ мутахассисларига нисбатан талаб кучайтирилди ва уларнинг жавобгарлиги оширилди. Шу мақсадда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ҳар ойда хўжаликлардан чорвачиликнинг аҳволи хусусида ҳисобот олиниб, таҳлил қилиб борилмоқда. Натижада кейинги ойларда мол туёғи ва маҳсулот етиштиришда ўсишга эришиш кузатилмоқда.

Сабзавот, мева, узум етиштиришда ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида боғ ва токзорларда шакл бериш, қатор ораларини ҳайдаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши дорилаш каби зарур агротехник тадбирларни ўтказиш қатъий назорат остига олинди.

Келгусида туман қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида 2002-2006 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди.






## Eng so'nggi xabarlar

Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов амалий ташриф билан Францияга келди. У Парижда ҳукумат раҳбарлари билан минтақавий можаролар, хусусан, Яқин Шарқ муаммосини муҳокама этади. Шунингдек, халқаро хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашади.

* * *

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида АҚШ президенти Жорж Буш янги ташаббусни илгари сурмоқда. Бунга Киото протоколига муқобил таклиф сифатида қаралмоқда. Ж.Бушнинг ташаббуси мамлакатда ўн йил давомида ҳавога зарарли газ чиқариш даражасини 18 фоиз камайтиришга қаратилган.

* * *

АҚШ Сурияни Ироқдан нефт сотиб олмасликка чақирди. Давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучер бу ҳақда сўзлар экан, Сурия ўтган ойда икки йиллик муддатга БМТ Хавфсизлик кенгашининг аъзоси бўлганини маълум қилди. Бу унга катта масъулият юклайди, бинобарин, Сурия БМТ қарорларини сўзсиз бажариши лозим, деди у.

* * *

Канада ҳарбий кемаси ўтган пайшанба куни Араб денгизида гиёҳванд модда ортган кемани ушлади. Канада миллий мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, кема юкхоналаридан "қорадори" жойланган тўқсонта қоп топилган. Юкнинг нархи 70 миллион АҚШ долларига тенг.

* * *

Афғонистондан АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасига келтирилган асирларнинг икки нафари Россия фуқароларидир. АҚШ маъмурияти вакилларидан бири шуни маълум қилди. Бироқ, асирларнинг исми ҳам, миллати ҳам айтилгани йўқ.

БУ дунёнинг ИШЛАРИ

## ЎТА КУЧЛИ МИКРОСКОП



Японияликлар дунёни лол қолдиришда давом этмоқда. Кунчиқар мамлакати олимлари дунёдаги энг кучли микроскоп ятратди. "Олимпус когаку когио" корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган бу қурилма одатдаги микроскоплардан фарқли равишда молекулаларни катталаштириб кўрсатмайди. У молекулани "ушлаб" кўради ва умумий кўринишини аниқлайди. Қаттиқ металлардан ясалган ва миллиметрнинг миллиондан биригача бўлган масофани ўлчай олиш имконини берувчи махсус игналар микроскопнинг "қўллари" ҳисобланади. "Олимпус" молекулаларни бўлиш имкониятига ҳам эга. Мутахассисларнинг айтишича, мазкур қурилма дори-дармонларнинг янги турларини ишлаб чиқаришда жуда қўл келиши мумкин.



Дунёнинг гўзал шаҳарларидан бири — Монреал.

АҚШ-ХИТОЙ:

# ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

**Хитой Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзолари сафидан жой олгач, мамлакатда чет эл сармояларини кўпайтиришнинг янги босқичи бошланди, дейиш мумкин. Бу жараёнда, айниқса, АҚШ компанияларининг фаоллиги ортиб бормоқда.**

АҚШ Хитойни доимий ҳамкор сифатида тан олди. Айтиш мумкинки, ушбу мақом савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига халақит бераётган тўсиқларни четга суриб ташлади.

Умуман, икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганидан сўнг ўтган йигирма йилдан буён савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб келмоқда. Хитой ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги маълумотларига кўра, айни кунда АҚШнинг беш юзта йирик компаниясининг уч юздан ортиғи Хитойга сармоя киритган. 2001 йилги ҳисоб-китоб бўйича, америкалик ишбилармонлар сармояси 33 минг лойиҳа бўйича 67,8 миллиард долларга етган. АҚШ билан биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар асосан металлургия, нефт, кимё ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси соҳалари ҳамда суғурта ва молия тизимларини қамраб олган.

1979 йилнинг июнь ойида икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари тўғрисида битим имзоланган эди. Ўша вақтдан ҳозирга қадар икки томонлама савдо ҳажми 600 миллиард долларни ташкил этди. Ўтган йили бу кўрсаткич 80,5 миллиард юанга тенг бўлганди. Бу 1979 йилдагига нисбатан ўттиз баробар кўпдир. Ушбу рақамлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, айни пайтда АҚШ Хитой учун иккинчи йирик ҳамкор саналади. Хитой эса АҚШнинг ҳамкорлари орасида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Яқинда Пекинда АҚШнинг «Американ экспресс» ва Хитойнинг хорижий сайёҳлик жамияти томонидан икки мамлакат ишбилармонларининг ўзаро борди-келдисини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи илк қўшма корхона очилди. Бу ўзаро шериклик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Шунингдек, савдо бўйича Хитой-АҚШ қўшма комиссиясининг 14-мажлисини ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Сир эмаски, АҚШ иқтисодий тараққиёти жиҳатидан дунёда етакчи ўринда туради. Хитой эса ривожланаётган давлатлар орасида улкан имконият ва юқори салоҳиятга эга бўлган энг катта мамлакат ҳисобланади. Кузатувчиларнинг фикрича, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётгани нафақат икки давлат халқи манфаатларига хизмат қилади, балки Осиё-Тинч океани минтақаси ва ҳатто, дунё иқтисодиётининг барқарор суратда ривожланишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Бинобарин, дунё иқтисодиётида ўсиш суръати пасайганига қарамай, Хитой иқтисодиёти изчил ва барқарор ривожланиб бормоқда.

Яқин кунларда АҚШ президенти Жорж Буш Хитойга ташриф буюришни режалаштирмоқда. Ҳозир икки томон ҳам мазкур ташрифга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Маҳаллий ва халқаро кузатувчилар Оқ уй раҳбарининг Пекинга келиши Хитой-АҚШ муносабатларида муҳим тарихий воқеа бўлиб қолади, қолаверса, бу ўзаро алоқалар, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига катта туртки беради, деган фикрда. Бўлажак музокараларда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолардан ташқари, икки томон учун ҳам аҳамиятли бўлган иқтисодий алоқаларга доир масалалар ҳам муҳокама этилиши кўзда тутилган.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

Турфа олам

## ТАДҚИҚОДЛАР АВЖИДА

Буюк Британиянинг Нортрумбия университети микробиологи Роб Рид сув тозалашнинг энг осон ва муҳими, арзон усулини ўйлаб топди. Олимнинг айтишича, бунинг икки усули бор. Биринчисида сув кислород билан бойитилади. Яъни, сув кислородли идишга солиниб, бир қанча вақт чайқаб турилади. Иккинчи усул қадимги Ҳиндистонда мавжуд бўлган экан. Қадимги ҳиндлар сувни усти очиқ идишга солиб узоқ вақт давомида турли дуоларни ўқиган. Олимларнинг айтишича, сув дуолар ёрдамида эмас, балки қуёш нури таъсирида тозаланган. Тўғри, ҳозирча бу усул амалда исботини топгани йўқ, лекин тадқиқотлар авжида.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилларининг айтишича, агар инглиз олимининг изланишлари ижобий натижа берса, сув тозалаш соҳасида ҳақиқий инқилоб юз беради. Негаки, ҳар йили уч ярим миллионга яқин бола тоза ичимлик суви танқислиги туфайли дунёдан кўз юммоқда.

## ЯҚИН МИНГ ЙИЛ ИЧИДА

Машҳур физик олимлардан бири Стивен Ҳокингнинг айтишича, яқин минг йил ичида одамзоднинг бутунлай қирилиб кетиш хавфи бор. Бунга бирор бедаво касаллик сабаб бўлиши мумкин. Шу ўринда С. Ҳокинг инсониятни бу офатдан қандай қутқариб қолиш тўғрисида ўз фикрларини баён этди. Унинг айтишича, инсоният фақат фазони кенгроқ тадқиқ қилиб, бошқа сайёраларга кўчиб ўтиш имкониятини топсагина омон қолиши мумкин.

## БИР КЎРИШДА ЭСЛАБ ҚОЛАДИ

Япон олимлари дунёдаги энг эпчил роботни яратишга муваффақ бўлди. У инсонга хос ҳаракатларни кам-кўстсиз бажаради.

Бўйи 160 сантиметр, вазни 60 килограмм бўлган бу темир одам баъзилар қила олмайдиган жуда мушкул ишларнинг ҳам уддасидан чиқади. Олайлик, ётган жойидан тикка туриш, зинапоядан чиқиб-тушиш, югуриш у учун қийин эмас. Роботнинг кўз-қулоғи ҳам бор. У бир кўрган кишини эслаб қолади. Хўжайинининг турли буйруқларини бажаради.

## «ФОЛКСВАГЕН»НИНГ ЯНГИ ЛИМУЗИНЛАРИ



Германиянинг "Фолксваген" автоконцерни янги лимузин ишлаб чиқаришга киришди. "Д-1" деб аталаётган бу машинанинг узунлиги беш, кенглиги эса қарийб икки метрни ташкил қилади. Автомобил иккита двигател билан ишлайди. Биринчиси олти цилиндрли, 320 от кучига эга бўлса, иккинчиси ўн икки цилиндрли, 420 от кучига эга бўлади. "Д-1" 100 километр масофага атиги 11 литр ёнилғи сарф қилади. Бундан ташқари, машина салони иқлим назорати тизими, телефон, мусиқа аппаратлари, телевизор ва бошқа техника билан жиҳозланади. Мутахассисларнинг айтишича, 2002 йилнинг апрелида омма эътиборига ҳавола этиладиган "Д-1"нинг баҳоси тахминан 50 минг АҚШ долларига тенг бўлади.

Турфа олам

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

# ҚЎШИҚ

Юрагим нолаваш, кўнглимда қўшиқ. Кимдир ёниб-ёниб куйлайди. Кўз олдимга келар адирдаги ёлғиз От! Кўзларида милт-милт ёш. Беихтиёр ёдимга тушаверар ёлғиз от ҳақидаги мунгли бир қўшиқ... Озодликни севган, ҳеч кимсага бўй бермаган саман от эди. Улоқтирди у бир кун сувлиғлару, юганларини. Белдан келган ўтлоқзорлар, кўм-кўк чаманни. Аслидачи... аталарди Бўрижар...

Бўрижар жарлик. Бўрилар... Қонли тишларини ботирган саманнинг семиз-семиз сонларига. Ялтираган белларини ўйиб-ўйиб чайнаган. Эвоҳ! Кўзлардаги муҳаббат йиғлар. Муҳаббатни ҳис қилмас, қузғун-қушлар, қонли жангни томоша қилган... Шунда, шунда саман бўғзидан ўзи севган қўшиқ отилар:

*Сени севдим, ҳаёт – муҳаббат,*
*Сен-чи, имкон қилмадинг.*
*Бўрижарни наҳот ушбу кун,*
*Гулларга кон макон қилмадинг.*
*Томоғимга санчилди ханжар,*
*Туёқларим синиб қайрилди.*
*Эркимга бўлди ғов Бўрижар,*
*Бўрижарда жондан айрилдим.*

Ўша, ўша тушлар кўраман. Чаманзорда ўша ёлғиз от. Ёлғиз ўзи қоқади қанот. Учаётган ёлғиз отнинг ҳилпираган ёлларини кўрганмисиз ҳеч? Гулзорларда кишнаган ёлғиз от, чаманзорда юз очади, гуллар, чечаклар. Ёлғиз отга мададкор керак. Ёлғиз отга кўмакдош керак. Ёлғиз отни ёлғиз қўйманг одамлар, тишламасин ўткир тишли қашқирлар. Емхалтага солишмасин қанд ўрнига тош-тупроқ. Ёлғиз отга юрагим ачинади. Ёлғиз отнинг қалъасини вайрон этар ғанимлар.

*Қўшиқ эскирмас, нолаваш қўшиқ.*
*Энди ором бермас менинг қалбимга.*
*Ҳаётга ташна қўшиқлар бисёр.*
*Аммо, ҳамон кўзимдан кетмас,*
*Чаманзорда йиғлаб, йиқилган саман.*
*Унинг бўғзидаги навобахш қўшиқ...*
*Сени севдим, ҳаёт — муҳаббат.*
*Сен эса-чи, вафо қилмадинг.*

**Ўразгул ҲАСАНОВА,**
**Нурободд қўрғони.**

Муштарий илҳоми

## Bolalik bog`i

# CHIN DO`ST

– Ko`zing to`la
Jiqqa yosh.
Seni urdi
Qay bebosh?!
– Do`stim Zafar
Qoqilib,
Tushdi yerga
Yiqilib.
Joni og`rib
Yig`ladi.
Behol bo`lib
Ingradi.
Rahmim kelib
Do`stimga,
Yosh keldi-da
Ko`zimga.

**Asom ZIYOMAT.**



## 8-саҳифа меҳмони

**Ўқитувчи – меҳрибон устоз, шогирдларига нафақат билим, балки одоб ва ахлоқ, меҳр ва муҳаббат, эзгулик нурларини сочувчи инсон. Ҳар ким ҳам бу касбни танлайвермайди. Ўз юрагидаги меҳрини шогирдлар юрагига кўчира олган, сингдирган инсонгина устоз деган шарафли номга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, «Меҳнат Шуҳрати» ордени нишондори, Чиноз шаҳридаги Ғафур Ғулом номли 40-мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси Тойирхон ака Мансуров ана шундай инсонлар тоифасига киради. Тойирхон ака билан бўлган суҳбатимиз ана шу масъулиятли касб, шогирдлари ва ҳамкасблари ҳақида бўлди.**



# ЭЗГУЛИККА ИШТИЁҚ

**– Тасвирий санъатга қизиқишингиз қачон уйғонган?**

– Болалигимда, аниқроғи 6 ёшимда раҳматли отам мени Тошкентга, санъат музейига олиб борган эдилар. У ердаги асарларни кўриб, лол қолганман. Ана шу мурғак тасаввурлар келажакда рассомлик касбини танлашимга асос бўлди.

**– Тасвирий санъатнинг қайси йўналишларида кўпроқ ижод қиласиз?**

– Манзара, портрет, плакат соҳаларидан ташқари, наққошлик, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, металлга бадиий ишлов бериш, мармарга ўйиб ишлаш каби бир қатор йўналиш ва жанрларда ишлайман. Кўникмаларимни ўқувчи шогирдларимга ҳам ўргатиб келаяпман.

**– Тойирхон ака, бу мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фани чуқур ўргатиларкан, иқтидорли болалар синфи ҳам мавжуд экан...**

– Тўғри, мактабимиздаги 5 «Б» ва 9 «В» синфларида бу фан чуқур ўргатилади. Мен дарслар давомида ўқувчиларни рассомлик сирларидан ташқари тасвирий санъат тарихи, ота-боболаримиз асрий мероси, халқ усталарининг ҳаёти ва ижоди билан мунтазам таништириб бораман. Ўқувчиларим бир қанча танловларда фаол қатнашишди, ўз асарлари билан таниқли рассом Рўзи Чориевнинг назарига тушишди.

**– Яқинда Яллама қишлоғида очилган тарихий музейда Сиз чизган асарларга кўзимиз тушди.**

– Ҳа, бир куни устозим Йўлдош Кўчқоров Ялламада тарихий музей ташкил этилаётганлиги ҳақида сўз очиб қолдилар, суратлар чизиб беришимни илтимос қилдилар. «Мироб», «Полвон», «Кўпкари», «Биринчи трактор», «Карвон» каби суратларим шу музей хоналарини безаб турибди.

**– Тасвирий санъатнинг йўналишлари кўп. Сиз уларга қандай қарайсиз?**

– Барча жанр ва йўналишлар мен учун бирдек қадрли. Тасвирий санъат орқали инсоният ўз ўтмишини, авлодлари, аждодлари тарихини яққол тасаввур эта олади. Санъат аҳли ўз асарларини келажак авлод учун жуда катта мерос қилиб қолдиради. Энг асосийси, тасвирий санъат асари, хоҳ ранг тасвир бўлсин, хоҳ ҳайкалтарошлик бўлсин, хоҳ халқ амалий санъати намуналари бўлсин, бир тилда ифода этилса, дунёнинг барча тилида ўқиш-уқиш мумкин. Оддий мисол: биз майда пул деб ўйлайдиган тангалар тасвирий санъатнинг ўзига хос бир йўналиши. Унда давлатимиз тарихи, мавкеи, миллатимизнинг ўзига хос нафаси уфуриб туради.

Қўҳна дунё яралганидан буён инсонлар томонидан яратилган тасвирий санъат асарларигина тарих зарварақларида ўчмас из қолдириб келмоқда. Мисрдаги пирамидалар, Афғонистондаги қояларга ўйиб ишланган баҳайбат ҳайкаллар, дунёнинг машҳур шаҳарларидаги осмонўпар бинолар, безаклар, тақинчоқлар, қурол-аслаҳалар, кийим-кечаклар – тасвирий санъат дурдоналаридир.

**– Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

– Дастлаб Бенков номли республика рассомлик билим юртида таълим олдим. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ва графика факультетини тугаллаганман. Устозларим Ўзбекистон халқ рассоми Жалил Ҳакимов, Тойир Тўхтахўжаев, таниқли рассомлар Малик Набиев, Рўзи Чориев, Неъмат Қўзибоев, Абдулҳақ Абдуллаевлардир. Уларнинг берган қимматли ўгит ва маслаҳатлари орқали кейинги йилларда муваффақиятларга эришдим. Республикамиз Президенти томонидан муносиб тақдирландим. М. Исаева, А. Абдураҳмонов, Н. Абдуллаев, Р. Яҳёева, Ф. Қодирхўжаев каби педагог-олим устозларим олдида ҳамиша бошим таъзимда.

**– Шогирдларингиз?**

– Улар ҳақида гапириш ҳамиша мароқли. Комил Шомукаррамов олий маълумотли ўқитувчи бўлиб етишди. Шаҳримиздаги 1-мактабда ишлайди. Сирожиддин Имомов – олий маълумотли наққош, уста. Зайниддин Калонхўжаев – олий маълумотли ўқитувчи.

**– Доим нима биландир машғул бўлиб юрар экансиз. Эшитишимизга қараганда ҳамшаҳарларимиз хонадонларида деворий безак, манзара, портрет жанрларида сурат чизиш учун буюртма олар экансиз.**

– Йигит кишига қирқ ҳунар оз дейишади. Тўғри, дарсдан бўш вақтларимда буюртмалар олиб тураман. Шогирдларим билан биргаликда ана шу буюртмалар асосида ишлаймиз. Ҳалол меҳнатимиз билан кишилар қалбига эзгулик, нафосат уруғларини олиб кирамиз. Қолаверса, ҳунарли инсон асло хор бўлмас экан. Туз-насибасини доимо ҳалол топиб ер экан. Бу касб мени элга танитди, камол топтирди, улғайтирди.

**– Ёшларимизнинг ҳозирги дунёқараши сизни қониқтирадими?**

– Ёшларга ишонаман. Шунинг учун ўқитувчилик касбим билан фахрланаман. Боболаримиз бизга катта умид билдирганлар. Биз ҳам келажак авлодларимизга умид билан қараймиз.

**– Бўш вақтларингиз қандай ўтади?**

– Шеърлар ёзаман, китоб ўқийман, дутор чаламан. Умуман, дунёдаги ҳамма нарсадан гўзалликни қидираман.



***Ҳа, дунёга мусаввир назари билан қараш, борлиқни ранглар орқали баҳолаш эзгуликнинг энг улуғ йўли. Истеъдодли мусаввир Тойирхон ака билан хайрлашар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик.***

***Суҳбатдошлар: Орзиқул МАЪМУРОВ, Раъно ХОЛИҚОВА.***

## Бекажон

### ТУЗНИНГ ХОСИЯТИ КЎП

● Бир чимдим ош тузини шунча миқдордаги содага аралаштириб, бир қошиқ сувда эритинг. Шамоллаган одам бу аралашмадан бурнига томизса, шифо топади.

● Сирка қайнатилаётган сабзавотнинг тез пишиб эзилишдан сақлайди. Шу сабабли сабзавот пишиши олдидан қозонга сирка, лимон кислотаси, томат ёки янги помидор солинади.

● Лавлаги бошқа сабзавотлардан фарқли ўлароқ тузли сувда қайнатилмайди. Чунки, шўр сувда у рангини ва мазасини йўқотиши мумкин. Бундан ташқари лавлагини пишириш олдидан илдизини кесиб ташлашни унутманг.

● Сўлиган укроп, кашнич ва шовулни сиркали сувга ботириб қўйсангиз, янги узилгандек бўлиб қолади.

● Балиқни қовуриш олдидан ясси қозончага япроқланган хом картошкани териб қўйсангиз, балиқ хиди анқимайдиган бўлади.

● Газламадаги дазмол куйдирган жойни пиёз билан тозалаш мумкин. Бунинг учун битта пиёзни ўртасидан бўлиб, доғни яхшилаб артинг. Сўнгра кир ювиш талқони билан ювиб ташланг.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.***

## Кулганга нима етсин!

### ИШНИНГ ЯРМИ БИТДИ

— Дўстим, биласанми, мен ажойиб бир дори кашф этдим. Энди фақат уни қайси касалликка даво бўлишини аниқлашимгина қолди...

### ТОМИР УРИШИ

— Сиз мутлақо соғломсиз. Томирингиз бир текисда ва аниқураяпти, нақ соатнинг ўзгинаси.

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ, дўхтир! Бир дақиқадан бери қўлингизни соатим устига қўйиб турибсиз-да.

### ЗАРУРИЙ ШАРТ

— Дўхтир, — деди бемор, — нимага менга тилингни чиқаргин, дедингизу, ўзингиз унга қиё ҳам қараб қўймадингиз.

Чиноз туманидаги Ғофур Ғулом номли 40-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Шарипов Ўткир Эркинович номига берилган АУ 244226 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Адади 12040 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6